



ТИББИЁТДА ҚЎЛЛАНИЛИШИГА ДОИР ЙЎРИҚНОМА ПИРАНТЕЛ

Препаратнинг савдо номи: Пирантел

Таъсир этувчи модда (ХПН): пирантел

Дори шакли: таблеткалар

Таркиби:

Хар бир таблетка қўйидагиларни сақлайди:

фаол модда: пирантел памоат 250 мг пирантелга эквивалент;

ёрдамчи моддалар: микрокристалл целлюлоза (РН 102), маккажўхори крахмали, натрий кроскармеллоза, повидон (PVP K-30), коллоид кремний диоксида, магний стеарати, тозаланган сув.

Таърифи: бир томонида синиқ чизиқли капсула шаклидаги сариқ рангли таблеткалар.

Фармакотерапевтик гуруҳи: гельминтларга қарши препаратлар.

АТХ коди: P02CC01

Фармакологик хусусиятлар

Фармакодинамикаси

Пирантела памоат гельминтга қарши восита ҳисобланади. Пирантеланинг кутбисизлантирувчи таъсири гельминтлар танасида синаптик узатилиш бузилишига (дастлаб унинг кучайишини, сўнгра эса сўнишини пайдо қилган ҳолда), нейро-мушак блокадаси ривожланишига ва бунинг оқибатида уларнинг ахлат билан чиқарилишига кўмаклашган ҳолда гельминтлар мушакларининг спастик фалажланишига олиб келади. Препаратга сезувчан жинсий балоғатга етган одамга ҳам, жинсий балоғатга етмаган одамга ҳам таъсир этади, миграция босқичида личинкаларга таъсир этмайди.

Фармакокинетикаси

Овқат ҳазм қилиш йўлларидан деярли сўрилмайди (3,5% дан кам). Тана вазнига 10 мг/кг бўлган бир марталик доза қабул қилингандан кейин, қон плазмасида пирантелнинг концентрацияси аҳамиятсиз – 1-3 соат давомида 0,05 дан 0,13 мг/мл ни ташкил қиласди. Тизимли қон оқимига сўрилган пирантел жигарда қисман метаболизмга учрайди. Асосий метаболити бўлиб, N-метил-1-3-пропандиамин ҳисобланади, тахминан 1,2-4,6% сийдик билан чиқарилади. Пирантелнинг 93% дан кўпроғи ўзгармаган ҳолда ахлат билан чиқарилади.

Қўлланилиши

Гельминтозларни: аскаридоз, энтеробиоз, анкилостомоз, некатороз, трихостронгилез даволашда қўлланади.

Қўллаш усули ва дозалари

Дозалари

Ичга исталган вақтда суткада 1 маҳал буюрилади: овқатланишдан сақланиш ёки Пирантел қўлланилишидан олдин сурги дорилар қабул қилиш зарурияти йўқ.

Энтеробиозда ва энтеробиоз аскаридоз билан бирга қўлланилганида катта ёшдаги пациентларга ва болаларга препарат бир мартали 10 мг/кг тана вазни дозасида ёки қўйидаги схемага мувофик буюрилади:

Ёши	Препарат дозаси	
3 ёшдан 6 ёшгача бўлган болалар	250 мг	1 та таблетка
6 ёшдан 12 ёшгача бўлган болалар	500 мг	2 та таблетка
12 ёшдан катта ёшдаги болалар ва катталар, тана вазни 75 кг дан камроқ.	750 мг	3 та таблетка
Катта ёшдаги одамлар	1000 мг	4 та таблетка

Захарланишнинг оғир шаклларида қўш доза буюрилади – 2-3 кун давомида 1-2 қабул учун суткада 20 мг/кг.

Такрорий захарланишни профилактика қилиш учун 3 ҳафтадан кейин пирантелни 10 мг/кг дозада такрорий қабул қилиш тавсия этилган.

Изоляцияланган аскаридозда – суткада бир маҳал 5 мг/кг.

Анкилостомозда, некаторозда ва некатороз аскаридоз билан бирга қўлланилганида ёки гельминтлар билан бошқа бирга захарланишларда препарат 3 кун давомида суткада 10 мг/кг ёки 2 кун давомида суткада 20 мг/кг дозада қўлланилади.

Қўллаш усули

Орал қўлланилиш учун мўлжалланган.

3 ёшгача бўлган болаларга препарат перорал қўлланилиш учун суспензия шаклида буюрилади, Пирантел таблеткаси дастлаб майдаланади ва кам микдорли сув билан аралаштирилади.

Ножўя таъсиrlари

Препарат одатда яхши ўзлаштирилади.

Эпигастрал соҳада оғриқ, кўнгил айниши, қусиш, диарея, анорексия, бош айланиши, уйкучанлик, кўп чарчац, тери тошмаси, жигар трансаминалари фаоллигини ошиши кузатилиши мумкин, алоҳида ҳолларда – эшитишни бузилиши, галлюцияциялар, онгнинг чалкашуви, парестезиялар. Аллергик реакциялар: қичишиш, эшакеми, экзантема.

Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар

Препаратга ўта юқори сезувчанлик, жигар етишмовчилиги, миастения.

Дориларнинг ўзаро таъсири

Пирантел ни левамизол билан бир вақтда қўлланганда, охиргисининг захарлилиги кучаяди. Пирантел пиперазин билан бирга қўллаш мумкин эмас. Пирантелга нисбатан антогонист таъсир кўрсатади. Пирантел плазмада теофиллин концентрациясини оширади.

Махсус қўрсатмалар

Пирантел қўлланилиши махсус тайёргарликни ва сурги дориларни қабул қилишни талаб этмайди. Жигар касалликлари бўлган ҳолатда шифокорни хабардор қилиш керак.

Таблеткаларни ютишдан олдин яхшилаб чайнаш керак.

Энтеробиозда бир вақтнинг ўзида биргаликда яшовчи барча шахслар даволанишини амалга ошириш керак.

Энтеробиозни даволашда самарага эришиш учун шахсий гигиена қоидаларига, энг аввало, болалар томонидан қатъий риоя қилиниши, шунингдек Пирантел таблеткаси 3 ҳафтадан кейин такрорий қабул қилиниши керак.

Даволаш курси тугагандан сўнг, гельминтлар тухумлари мавжудлиги юзасидан ахлатнинг назорат текшируви талаб қилинади.

Хомиладорлик ва лактация

Экспериментал тадкиқотларда Пирантел препаратининг тератоген самараси аниқланмаган, бироқ ҳомиладорликда эҳтиёткорлик билан буюрилади.

Препарат деярли адсорбцияланмаслиги ва кўкрак сутига ўтмаслиги туфайли препарат лактация даврида қўлланилганида кўкракдан эмизишни тўхтатиш заруриятий йўқ.

Транспорт воситасини ва бошқа механизмларни бошқарии қобилиятига таъсири
Маълумотлар йўқ.

Дозани ошириб юборилиши

Препаратни жуда юқори дозаларда қабул қилганда, унинг ножӯя таъсири кучайиши мумкин.

Дозани ошириб юборилганда меъда ювилади, организмнинг ҳаётий муҳим бўлган фаолиятини мониторинги ўтказилади, симптоматик даволаш ўтказилади. Антихолинэстераз таъсир белгилари мавжудлигига атропин юборилади.

Чиқарилиш шакли

3 таблеткадан ПВХ блистерда ва ҳар бир блистер тиббиётда қўлланилишига доир йўриқномаси билан бирга картон ўрамда.

Гурухланган картон ўрамда 10 тадан ўрам.

3 таблеткадан ПВХ блистерда ва 10 та блистер тиббиётда қўлланилишига доир йўриқномаси билан бирга картон ўрамда.

Сақлаш шароити

Куруқ, ёруғликдан химояланган жойда, 25°C дан юқори бўлмаган ҳароратда сақлансин.

Болалар ололмайдиган жойда сақлансин.

Яроқлилик муддати

3 йил.

Препарат яроқлилик муддати тугаганидан сўнг қўлланилмасин.

Дорихонадан бериш тартиби

Рецепт бўйича.

Ишлаб чиқарувчи

Kusum Healthcare Pvt. Ltd.

Ишлаб чиқариш манзили

SP-289(A), RICO Industrial Area, Chopanki, Bhiwadi, Dist. Alwar (Rajasthan) Ҳиндистон.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида дори воситаларининг сифати бўйича эътиrozлар (таклифлар) ни қабул қилувчи ташкилот номи ва манзили:

“BARAKA DORI FARM” МЧЖ ХК

100022, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Халқа Йўли кўчаси, 91-үй.

Тел.: +99878 1509797; +99893 3888782

факс: +99878 150-97-87

E-mail: pv@kusum.uz

Web-сайт: kusum.uz